




Эҳтимол, ишни, энг аввало том маънодаги



Президент Шавкат Миромоновичнинг



Ўзбекистон: “Овир” бекор қилинадими



Тошкент суди ОВИР визаси ололмаган



Сталин “қулоқ”ларини фoш қилган тарихчи

Чехия Президенти Земанга Очиқ Хат

Чехия Президенти Земанга Очиқ Хат

13 Şubat 2014 - 12:23 ' да юкланди ва 1492 марта ўқилди.

f пойлашинг t твитланг

g+ пойлашинг

Ўзбек диктатори Каримовнинг Прагага келиши муносабати билан Сизнинг адресингизга айрилган танқидлар кўпайди. Сизни 2005 йилда ўз халқини ўққа тутиб қатлиом

уюштирган ва режим мухолифларини қийнаш ва ўлдиришни қонунлаштирган бир “сиёсий арбоб” билан учрашмасликка чақирмоқдалар.

Аmmo Сиз, жаноб Президент бу давлатга Оврупада кўниқилганидан фарқли ўларок, айниқса, Чехия каби инсон ҳақлари бир миллий бойлик савиясида эъзозланган бир ўлка лидеридан томонидан кутилмаган бир тепки кўрсатдингиз.

Сиз инсон ҳақлари ҳимоячиларини “мунофиқ”ликда айбладингиз, чунки улар сизнингча диктатор Ислоҳ Каримовни Брюссел қабул қилганида индамай, уни АҚШ мулозимлари Афғонистондаги манфаатлари тўғрисида бошига кўтарганида уларга сизга қўйилган талабни қўймаганлар.

Жаноб Президент Земан, Сиз бир хусусда юз карра ҳақлисиз: чиндан ҳам ўзбек диктатори ҳеч қачон на Брюсселда, на Вашингтонда у ҳақ этган манфий муносабатни кўрмади. Ҳолбуки, Каримовнинг халқни эзиш тажрибасидан 1 фоизини ҳам эгалламаган Лукашенко, Янукович каби авторитар лидерлар бугун Оврупа ва АҚШ учун том маънодаги диктаторлардир.

Мунофиқликнинг ҳақиқийси бу эмасми, жаноб Земан?

Ўзбекистонлик мухолифларга келсак, бу жамоа энг даҳшатли шароитда - доимий изоляцияда, мунтазам тазйиқ ва қийноқ шароитида, ҳар он ва ҳар ерда - ичкарида ёки хорижда - ўлдирилиш таҳликаси остида яшамоқдалар!

Бу инсонлар Каримов режимига норозиликларини 25 йилдан бери тўхтамасдан билдириб келмоқдалар. Агар Сизга қизиқ бўлса, Оврупа Иттифоқи ва Оқ Уй архивларига бир кўз

Сўнги хабарлар



Бечора ўзбекнинг орзуси - арзон қозоқ б...

Сурат Икромов: ЎзА агентлиги томонида...

Азиза Ахмедова - бизни яна қачонгача қ...

Диндорларни оммавий тарзда ҳибса ол...

Икки Усмон Ҳақназар эмас, икки Бобому...

Қирғиз чегарасида зўравонлик давом э...


Мирзиёевнинг кўзини бўяган МХХ

Ўзбекистон ташқи сиёсатини Кремль бел...

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ...

Вазир муовини илк бор ҳуқуқ ҳимоячила...

Ўхшаш хабарлар



Жардаги оқ тераклар



“Озодлик” картинаси

ташланг, у ерда биз ёзган “очиқ” ва “ёпиқ” хатларимизнинг катта қабристонини кўрасиз.

Табиий, Фарбада “инсон ҳақлари ва демократик қадриятлар”ни рад қиладиган битта ҳам сиёсат арбобини тополмайсиз. Аммо иш конкрет амалга келганида, аксарият сиёсатчиларнинг сўзи амалидан йилдириш тезлигида узоқлаша бошлайди. Фақат бу лидерлар оломони ичида жуда оз шахсларга ўз сўзининг эгаси бўлиш насиб этади.

Шундай шахс Вацлав Гавел эди. Мен бу шахсни буюк бир ҳурмат ва шукрон туйғуси билан эслайман.

2001 йилда Ўзбекистон давлати талаби билан Прага шаҳрида ҳибсга олиндим. Мени бир пайтлар Вацлав Гавел ўтирган Панкрас тюрмасининг бир ҳужрасига қамадилар. Камина “давлат тўнтаришига ташаббус қилган бир террорист” айблови билан ҳибсга олингандим ва Ўзбекистонга экстрадиция қилинишим хавфи жуда катта эди.

Аммо ҳибсга олингандан 5 кун сўнгра радиодан Чехия президенти Вацлав Гавел чиқиш қилиб, “узбек мухолифатчисининг ҳибсга олиниши хато бўлди” деди. Бу баёнотдан сўнгра 40 кунга қамоқ ҳукми чиқарилганига қарамай, мени 14 кун сўнгра судгача Президент Гавел қафолати билан озод қилишди.

Бу воқеадан кейин Ўзбекистон раҳбари Каримов Гавелга қарши шантаж қила бошлади. “Ўзбекистон билан тузилган кўп миллион долларлик трамвай сотиб олиш лойиҳасини бекор қиламан”, деб туриб олди. Бунга жавобан Вацлав Гавел: “Чехия ҳар қандай шароитда бир тоталитар лидерга бир диссидентни таслим қилмайди” деди.

Вацлав Гавел шундай инсон эди. Сўзи ва амали ҳар доим бир бўлган бир лидер эди. Бундай шахслар фақат ўз халқларининг эмас, балки бутун Башариятнинг номусларидир. Бизнинг номусимиздир.

Саройингизда Ўзбек диктаторини қабул этаркан, бу хусусни унутмаслигингизни жуда-жуда истардим.

Энг яхши тилаклар билан,

Муҳаммад Солиҳ - Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери

12.02.2014, Истанбул



Etiketler :




1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20

Хабарга ўз изоҳингизни қолдириш

Ушбу хабарга қолдирилган изоҳлар

(2 Yorum)

Ekxpert ;Siyosiy kochoqlarga MDX davlatlari juda havflik. Rossiya tashabbusi bilan tuzilgan “Sanhay hamkorlik tashkiloti” ham aynan kochok insonlarni bir-biriga topshirishdan iboratdur. Misol uchun men ham MDX davlatida siyosiy kochok bulganman. Ular meni ham Uzbekistonga



Исмингиз

a

rd

изоҳингизни шу ерга ёзишингиз мумкин...

Evropada erkin davlatda tinch yasl

Электрон почтангиз

Аноним ;2001 йили Чехияни ғайридин президенти Вацлав Гавел Му **Изоҳни жўнатиш**

топширмай кўйиб юборибти,аммо 2006 йили бизнинг «мусулмон» Каримов, Канада фуқаролигини олган ва касал қайнонасини кўриш мақсадида Тошкентга келган асли шинжонлик уйғур Хусайн Жалилга шафқат қилмаган,балки Хитойга топшириб юборган.

Хитой ҳукмати ўша Каримов топширган 4 болани отаси бўлмиш Хусайнни умрбод қамоққа тикқан.

Шошмай тур ИАК,ҳар бир жинойтингни ҳисоб-китоби қилинган

13/02/2014 19:46

Cevapla

☰ Рукнлар



📻 UZBEKFM RADIO

| | | |
|---------------|--------------|--------------|
| Долзарб | Хабарлар | Дин |
| Сиёсат | Иқтисод | Минтақа |
| Жамият | Инсон | Муҳожирлар |
| | ҳуқуқлари | Мулоҳаза |
| Таҳлил | Мулоқот | Маданият |
| Тасаввуф | Тарих | Адабиёт |
| Шеърлар | Публицистика | Нашида |
| Ҳажв | Ҳаётий | Мозийдан |
| | ҳикоялар | садо |
| Пайғамбарлар | Буюқлар | Туркистон |
| тарихи | бисотидан | жадидлари |
| Китоблар | Эркин юрт | TurkistonTV |
| | газетаси | Radio |
| Биз ҳақимизда | Баёнотлар | Ҳужжатлар |
| Йўлнома | Туркистон | Муҳаммад |
| | шуури | Солиҳ |
| | | ҳаётидан |
| | | сониялар |
| Видео | Маҳдумкули | Абдурауф |
| | | Фитрат |
| Маҳмудхўжа | Алихонтўра | Аъзам |
| Беҳбудий | Соғуний | Ҳошимий |
| Муҳаммад | Ойдин Солиҳ | Ислом Холбой |
| Солиҳ | Эргаш | Усмон |
| | Сулаймон | Ҳақназаров |
| Абдуллоҳ | Сафо Урганжи | Нуруллоҳ |
| Нусрат | | Муҳаммад |
| | | Рауфжон |
| Бек Мурод | Комил Ўтар | |

Listen on audioboom.com

E-mail киритинг

Обуна бўлиш

© 2011-2017 Ўзбекистон Халқ Ҳаракати. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Алоқа учун: uzxalqharakati@gmail.com

+ Хабар юбориш



Боғланиш

